



Tadqiqot.uz



ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | RESPUBLIKA KO'R TARMOQLI ILMIY KONFERENSIYA

YANG O'ZBEKISTON: 2023

CONFERENCE.UZ

INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

DAVRIYLIGI: 2018-2023



SPEKTROSKOPIYA -
MATERIYANI BILISH USULI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJUY OLY TALIM MUASSASALARI PROFESSOR-OQTUVIGHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLU TALABALAR



TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



YANVAR
№48

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
1-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-1**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-1**

ТОШКЕНТ-2023



“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 48-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 январь 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 16 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттига устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўкув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибай Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Мухаммадхон Хамидович «ТИИМСХ»

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Сахифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов: tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Yakubova Iroda

THE SYSTEM OF COLLECTIVE MANAGEMENT ORGANIZATIONS OF COPYRIGHT AND RELATED RIGHTS: EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES AND CIS COUNTRIES 7

2. Жабборов Нозимжон Қосимович

ЖИНОЙЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОГИЛГАН АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИ ТАРТИБИДА ИЖРО ЭТИШ 9

3. Истамов Махмуд Шухратович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ 11

4. Haydarov Jaloliddin Hamza o‘g‘li

VALYUTA QIMMATLIKARINI QONUNGA XILOF TARZDA OLISH YOKI O‘TKAZISH JINOYATINING OBYEKTIV BELGILARI TAHLILI 14



ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

THE SYSTEM OF COLLECTIVE MANAGEMENT ORGANIZATIONS OF COPYRIGHT AND RELATED RIGHTS: EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES AND CIS COUNTRIES

Yakubova Iroda,

Associate Professor of the
Intellectual Property Law Department
of Tashkent State University of Law
Doctor of Philosophy (PhD) in Law,

Annotation: The first associations of authors in author societies appeared in the field of public performance of dramatic and musical-dramatic works. Attention is paid to some urgent problems related to the improvement of this institution, international standards for copyright protection and comparative legal analysis of national legislation, as well as the opinions of scientists from Uzbekistan and other different countries. Suggestions and recommendations were put forward of scientific and practical importance for national copyright law.

Keywords: to enforce copyright, copyright, royalty, copyright and related rights collective management, public performance or display of a work.

The history of the development of the institution of collective management of copyright began in France in the 18th century. At that time, influential actors exploited playwrights by using their works for a small fee. Among such authors, Pierre Beaumarchais, famous for "The Barber of Seville", was one of the initiators of changes in the system of copyright protection for dramatic works. On July 3, 1777, a group of 22 authors decided to form the first society for the legal protection of playwrights [1].

The idea of the possibility of joint actions of creative workers was first revealed by Beaumarchais and in 1777 he called the "States General of Dramatic Art" in Paris. This created a basis for the authors of musical and dramatic works in the French society. All this led to the creation of the first society of authors in the world - the Bureau of Dramatic Legislation in 1777, which later became the Society of Dramatic Authors and Composers (BASO), which still exists today[2].

The Bureau of Pierre Beaumarchais was fully formed in 1829 and became the prototype of the French Society of Writers and Dramatists (SACD). In 1791, the Bureau became the chief agency for the protection of copyright. [3]. However, despite this, contracts were signed with a number of theaters, and by 1829 a royalty system was established. Thus, the first union of creative workers became the society of authors.

On December 31, 1837, a general meeting of authors of literary works was held in France, which formed the "Society of Writers". The members of this organization were Honoré de Balzac, Alexandre Dumas and Victor Hugo, and the main purpose of its activity is to stop unauthorized and unpaid printing of authors' works[4]. The society collected royalties only for the press editions, which were enough to enrich many authors while the continuation novels typical of the era were developing.

Developed systems of collective management of copyright began to be created from the middle of the 19th century. One of the important events that contributed to this was in 1847, when two composers, Paul Enrion and Victor Parizo, as well as their publisher, Ernest Bourget, sued the Cafe "Ambassador" on the Champs Elysées in Paris for the unauthorized performance of their works. Authors felt that it was unfair that they had to pay for seats and food in the cafe, because no one would pay for their works to be performed in public by an orchestra[5]. Authors chose not to pay until they were paid. The authors won the lawsuit, and as a result, the owner of the cafe paid them a large royalty. This decision of the court opened up new opportunities for composers and songwriters, but it was immediately clear that authors cannot independently monitor all cases of



use of their works and cannot exercise their rights when performing works in front of the public[6].

The first associations of authors in author societies appeared in the field of public performance of dramatic and musical-dramatic works. SACEM organization still exists today and is one of the largest collective management societies in the world.

This organization still exists today and is one of the largest collective management societies in the world. Prior to the creation of this organization, authors initiated a series of lawsuits defending their rights to receive fair compensation for the use of their works. The status of authors of literary, audiovisual and theatrical works is different in different countries. Organizations are being created both for different rights and for different categories of rights holders.

References:

1. An act to amend and consolidate the acts respecting copyright. Available at: <https://www.copyright.gov/history/1909act.pdf>
2. Yakubova I.B. O‘zbekistonda mualliflik huquqi bo‘yicha mulkiy huquqlarni jamoaviy boshqaruv tashkilotlarining vujudga kelishi va rivojlanishi [Emergence and development of organizations of collective management of copyright property rights in Uzbekistan]. Yurisprudensiya – Jurisprudence. 2021, no. 6, pp. 66–74.
3. Legal protection for all photographs was eventually made a part of the U.S. Copyright Act. 17 U.S.C. § 106A. 2012.
4. World Intellectual Property Indicators, WIPO, 2019, Available at: <https://www.wipo.int/publications/en/detSIIls.jsp?id=4464>, accessed on 26 January 2021 at IST 0830 hrs.
5. O. Oqyulov. Intellektual multkning huquqiy maqomi [Legal status of intellectual property]. Tashkent, 2000, pp. 36–45.12. Xudayberdiyeva G.A. Turdosh xukuklarni fukarolik-xukukiy muxofaza kilish muammolari [Turdosh khukuklarni fukarolik-khukukiy governorate kilish muammolari]. Tashkent, 2006.
6. Yakubov O. Significance And Principles Of The Trips Agreement In The Legal System Of World Trade Organization Agreements. The Peerian Journal. 2022. T. 9, pp. 65–69.



ЖИНОЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИ ТАРТИБИДА ИЖРО ЭТИШ

Жабборов Нозимжон Қосимович,
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни муҳофаза қилиш
академияси мустақил изланувчиси,
E-mail: nozimjonjabborov82@bk.ru

Аннотация: Мазкур мақолада активларни қайтариш билан боғлиқ суд қарорларининг фуқаролик қонунчилигига белгиланган тартибида ижро этишнинг хусусятлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси ва ФАТФнинг тавсияларида давлат активларни қайтаришда жиной таъқибсиз, фуқаролик қонунчилигига белгиланган тартибида мусодара қилиш усулини қўллаш бўйича берилган таклифлар ўрин олган.

Калит сўзлар: фуқаролик қонунчилиги, Конвенция, мол-мулк, жиной таъқиб, активларни мусодара қилиш.

Хорижий давлатлар Австралия, Янги Зелландия, Ирландия, Швейцария, Тайланд, Буюк Британия, АҚШ, ЖАР давлатлари қонунчилигига жиной таъқибдан ташқари фуқаролик тартибида даъво киритиш орқали жиной йўл билан топилган активларни мусодара қилиш тартиби мавжуд.

Чет эл судлари ва арбитражларининг ҳамда миллий судларнинг қарорларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади ҳамда мазкур суд қарорлари давлатлар миллий судларнинг қарорлари асосида дастлаб тан олиш ва ижрога қаратиш принциплари асосида амалга оширилади[1].

Жиной йўл билан топилган ноқонуний шу жумладан коррупцион механизмлар ёрдамида олинган маблағларни ва активларни қайтариш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясининг (UNCAC) асосий принципи сифатида тан олинган[2].

Мазкур Конвенцияда мусодара қилиш суднинг ёки бошқа ваколатли органнинг қарорига асосан мулқдан доимий маҳрум қилиш эканлиги тўғрисида тариф берилган[3].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси ва ФАТФнинг тавсияларида давлат активларни қайтаришда жиной таъқибсиз, фуқаролик қонунчилигига белгиланган тартибида мусодара қилиш усулини қўллаш тавсия қилинган.

Жиной мусодара қилиш суд томонидан айбланувчининг суд ҳукми чиқарилганлиги ёки айбланувчининг айбини тан олишини талаб қиласди.

Айблов ҳукми чиқарилганда судланувчининг ўлими, унинг мамлакатдан чиқиб кетиши ёки қидиравда бўлиб яширганида мол-мулкни мусодара қилиш учун ушбу процедурадан фойдаланиш бир мунча мушкул.

Фуқаролик қонунчилиги тартибдаги мусодара айблов ҳукми чиқармасдан, мулкни мусодара қилиш ёки ундан фойдаланишни чеклаш имконини беради.

Мусодара қилишнинг ушбу турлари бир-биридан қуйидагича фарқланади:

- мол-мулкни қайтариш ва мусодара қилиш ҳамда хатлашда жиной таъқиб жиноят иши қўзғатиш ва айбловни ўз ичига олади, фуқаролик қонунчилиги тартибида даъво қўзғатиш орқали мусодара қилишда ушбу талаблар мавжуд эмас;

- жиной мусодара қилиш бу якка тартибдаги қарор, яъни муайян шахсга қарши қаратилган бўлиб, (in personam) бундай мусодара қилиш жиной иш қўзғатиш ва айблов ҳукми чиқарилишини талаб қиласди ва қўпинча ҳукмдаги жазонинг бир қисми хисобланади;

- жиной мусодара қилишнинг талаби, авваламбор, давлат судланувчининг айбини исботлаши, яъни судья судланувчининг айбига ишониши учун шундай далилларни тақдим қилиши кераклигини англаради.

Фуқаролик қонунчилиги тартибида даъво қўзғатиш орқали мусодара қилишда:

- жиноятчи одил судловдан яшириниб юрган бўлса ва унга жазо тайинлаш имкони мавжуд бўлмаса;

- жиноятчи иш қўзғатилишидан олдин ёки ҳукм чиқарилишидан олдин вафот этганлиги сабабли, иш тутатилган бўлса;

- жиноятчida дахлсизлиги ҳуқуқи уни жиной таъқиб қилишдан ҳимоя қилган тақдирда;



- мол-мулк топилган ва жиноятчи шахси номаълум (масалан, мол-мулк жиноят содир этиш билан боғлиқ бўлмаган курерда топилган) агар топилган мол-мулк жиноий ҳаракатлар натижасида олинганилиги исботланса;

- мулк жиноятга даҳли бўлмаган учинчи шахслар тасарруфида бўлса, аммо улар мулкнинг жиноий келиб чиқиши ҳақида хабардор ёки била туриб бу фактга эътибор бермаган тақдирда, учинчи шахсдан мулкни тортиб олиш учун жиноий мусодара қилиш мумкин эмас, аммо фуқаролик қонунчилиги тартибида дарво киритиш орқали мусодара қилиниши яъни мол-мулк, гарчи у инсофли харидор томонидан сотиб олинган бўлса ҳам олиб қўйилади;

- жиноий жавобгарликка тортиш учун далиллар етарли бўлмаганда.

Фикримизча, жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш юзасидан суд қарорларини ижроси этишда мол-мулни хатлаш, мусодара қилишда миллий қонунчилигимизга фуқаролик тартибида дарво қўзғатиш ва мусодара қилиш механизмини қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида” 10.06.1958 йилдаги Нью-Йорк Конвенцияси, 07.02.1996 йилда ратификация қилинган.

2. Теодор Гринберг, Линда Сэмюэль, Вингейт Грант, Ларисса Грей. Возврат похищенных активов: Руководство по конфискации активов вне уголовного производства. — Москва: Альпина Паблишерз, 2010. — 356 с. — ISBN 978-5-9614-1205-5.

3. Конвенция ООН против коррупции (UNCAC), ст. 2; Конвенция ООН против транснациональной организованной преступности (UNTOC), ст. 2; Конвенция о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ, ст. 1.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Истамов Махмуд Шухратович,
Бухоро вилояти Прокурори
аддия катта маслаҳатчиси
E-mail: buxv_prok@umail.uz

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқлиги, сайлов қонунчилигига белгиланган асосий принциплар ва уларнинг ҳар бирининг мазмун-моҳияти муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: сайлов қонунчилиги, сайлов принциплари, умумий сайлов ҳуқуқи, тенг сайлов ҳуқуқи, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш ҳуқуқи.

Миллий сайлов тизими демократиянинг асосий талаби, ҳокимиятни легитимлаш, жамиятда қонун устуворлиги ва манфаатлар мутаносиблигини таъминлашнинг энг муҳим кафолати ҳисобланади. Сайлов институтларининг такомиллашуви давлат ва жамият тараққиёти даражасини белгилаб беради. Шу асосда, мамлакатимизда миллий сайлов тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, «давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиш» принципларни рӯёбга чиқаришнинг самарали усул ва шаклларини татбиқ этиш, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда шаклланган сайлов тизимига оид конституциявий нормаларни изчил амалга ошириш ва такомиллаштириш мақсадида сайловга оид қонунлар тизимлаштирилиб, ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. Бу миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, демократик сайловларни ўтказишни янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди[1].

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси асосида сайлов ҳуқуқини самарали таъминлаш, сайловга оид ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш, миллий сайлов тизими демократлашуви жараёнларини, ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, электорат сиёсий маданиятини мустаҳкамлаш каби давлат сиёсати даражасига кўтарилиди[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу Сайлов кодекси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳоҳиш-иродаси эркин билдирилишини таъминловчи кафолатларни белгилаш баробарида бир қатор ошкоралиқ, шаффоффлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик принципларни ўзида мужассам этиб, улкан ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда сиёсий аҳамиятга эга ҳужжатdir. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда сайлов жараёнлари янада ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади.

Ўз навбатида, демократик давлатларда умум эътироф этилган тамойиллар асосида шаклланган демократик принципларининг Конституция ва сайлов қонунчилигига мустаҳкамлаб қўйилиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқларининг амалга ошишига хизмат қиласи. Сайлов ўтказишнинг асосий принциплари деганда, сайлов жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган устувор қоидалар йиғиндиси тушунилади. Сайлов ўтказишнинг асосий принципларига қуйидагилар киради: а) умумий сайлов ҳуқуқи принципи; б) тенг сайлов ҳуқуқи принципи; в) тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи; г) яширин овоз бериш ҳуқуқи принципи.

Қолаверса, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида ҳам “ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Халқ иродаси даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан, овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши зарур” – деган тамойил белгилаб қўйилган[3]. Бу эса, мамлакатимизда ўтказилаётган сайловлар жараёнлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқлигидан далолат беради.



Умумий сайлов ҳуқуқи. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Умумий сайлов ҳуқуқи мамлакатдаги ҳамма фуқароларни ёппасига эмас, кўпчилигининг, яъни вояга етган фуқароларни сайловда иштирок этишини билдиради. Сайлов ҳуқуқи 18 ёш қилиб белгиланган. Бу, шахснинг вояга этиш ёши бўлиб, шу пайтдан бошлаб шахс ўз харакатлари учун ўзи жавоб бериш, воқеаларни онгли англаш қобилиятига эга бўлади.

Ўзбекистон Конституцияси ва сайлов қонунлари, сайланиш ҳуқуқларига эга бўлиш учун юқори ёш чегараси ва бошқа турдаги чеклашларни ўрнатган.

Маҳаллий кенгаш депутатлари бўлиб сайланиш учун 21 ёшга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиб сайланиш учун 25 ёшга, Президент бўлиб сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши керак.

Ёш чегараси турли органларнинг ҳуқуқий ҳолати, ҳал қиласидан масалалар доирасининг ҳажми ва аҳамиятига қараб ўрнатилади. Бу фуқароларнинг маълум билимга, ҳаёт тажрибасига эга бўлишини назарда тутади.

Бундан ташқари, депутат бўлиб сайланиш учун Ўзбекистонда охирги беш йил, Президент бўлиб сайланиш учун охирги ўн йил муқим яшаган фуқаролар шу ўринларга сайланиш ҳуқуқига эга бўлади. Президент бўлиб сайланиш учун эса яна давлат тилини яхши билиш керак деган қўшимча шарт мавжуд. Бундай ва шунга ўхшаш талаблар бошқа давлатларнинг сайлов қонунчилигига ҳам назарда тутилган.

Тенг сайлов ҳуқуқи. Мазкур принцип сайловларда иштирок этувчи сайловчиларнинг ҳуқуқларининг тенглик тамойили асосида ҳимояланиши, яъни ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, барчага сайлов талаблари бир хилда жорий этилиши, ҳамма учун бир хил ташкилий-ҳуқуқий шароит яратилишида намоён бўлади.

Бу ҳуқуқ Конституциямиз ва Сайлов кодексида мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг 117-моддаси сайловчиларнинг ўз ҳоҳиш-иродасини билдириш тенглиги кафолатланиши, сайловлар тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилиши белгиланган. Бу қоидалар асосан фуқаролар сайлов ҳуқуқининг тенглигига тегишли бўлиб, бу тенглик ҳар бир сайловчининг битта овозга эгалигини таъминлашdir.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципнинг мазмун-моҳиятига кўра, сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари мамлакатимизда ўтказиладиган барча турдаги сайловларда шахсан овоз берадилар. Сайловда сайловчилар тўғридан-тўғри сайлов участкаларида овоз беради. Уларнинг берган овози ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ўзбекистонда сайловларни тўғридан тўғри (бевосита) ўтказилиши Конституциянинг 117-моддасида белгиланган. Сайлов кодексида ҳам сайловлар тўғридан тўғри ўтказилиши кўрсатилган.

Тўғридан-тўғри сайлов овоз беришда фуқароларнинг бевосита, шахсан иштирок этишидир. Тўғридан тўғри сайлов орқали фуқаролар ўзлари билган, ишонган номзодига, сиёсий партияларга ишончини билдиради ва уларга шу мансаб ёки даражани лойик деб ҳисоблайди.

Яширин овоз бериш. Сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан бири бўлган яширин овоз бериш ҳуқуқига кўра сайловларда эркин ва яширин овоз берилишини, овоз берувчиларнинг ҳоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмаслигини белгилайди.

Сайловларда адолатни таъминлаш воситаларидан бири овоз беришнинг яширин бўлишидир. Яширин овоз бериш сайлов ҳуқуқининг асосий принципи бўлиши билан бирга демократик сайловнинг асосий хусусияти, ажралмас шарти ва сайловчиларнинг мутлак ҳуқуқи (имтиёзи) ҳисобланади[4]. Яширин сайлов факат депутатлар сайловида эмас, бошқа сайловларда ҳам қўлланилади.

Яширин овоз бериш қонун ва бошқа ҳужжатларда белгиланган турли қоида ва тартиблар орқали кафолатланади. Сайлов қонунчилигига асосан овоз бериш яширин хоналарда амалга оширилиши, сайловчи бюллетен билан танишганда сайлов кабиналарида ундан бошқа ҳеч ким (сайлов комиссияси аъзолари, кузатувчилар) бўлмаслиги керак. Сайловчи овоз бериб бўлганидан кейин ҳам унинг кимга овоз берганлигини ҳеч ким сўраши мумкин эмас. Сайлов бюллетенларига ҳеч қандай белги, рақам комиссия томонидан қўйилмайди.



Очиқлик ва ошкоралик. Очиқлик ва ошкоралик сайловларни қонуний ўтишини таъминлашга хизмат қиласиган жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳам қулай шароит яратади. Ошкоралик – демократик сайловларнинг ажралмас хусусияти. Чинакам ошкоралик натижасидагина сайловлар ҳақиқий демократик тусда ўтиши мумкин. Ошкоралик натижасида сайловчилар номзодлар, уларнинг дастурлари ҳақида маълумотга эга бўлишади. Ошкоралик натижасида ахборотга эга сайловчи фақат номзодга эмас, уни номзод сифатида кўрсатган сиёсий партиянинг дастурига овоз бериш имкониятига эга бўлади.

Сайловларни тайёрлаш ва ўтказиша ошкоралик принципи, сайловларнинг қонуний ва адолатли ўтишини таъминловчи энг муҳим восита бўлиши билан бирга, сайловларнинг қонуний, халқаро талаблар бузилмасдан ўтишини ва унинг асосида ўтказилган сайловларнинг чет давлатлар, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилишига ҳам сабаб бўлади.

Сайловларнинг ошкора ўтишида оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнайди. Албатта, республика радио ва телевидениеси, марказий газета ва журнallар, маҳаллий оммавий ахборот воситалари, сиёсий партияларнинг нашрлари асосий эътиборни сайлов жараёнини ёритишга қаратади. Улардаги маълумотлар орқали фуқаролар номзодлар, уларни кўрсатган сиёсий партиялар ҳақида, уларнинг келгуси фаолият дастурлари хусусида тегишли ахборотга эга бўлиб боришиди. Оммавий ахборот воситалари сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги даражасига кучли таъсир қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз сайлов тизими ва унинг ҳуқуқий асослари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоида-талаблари, ривожланган давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва халқимизнинг миллий менталитетини инобатга олган ҳолда шакллантирилган бўлиб, фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали эркин ҳамда ихтиёрий иштирок этиш учун тенг шароитларни кафолатлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. “Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир” // <https://president.uz/uz/lists/view/3119>
2. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси. (<https://lex.uz/uz/docs/4386848>)
3. Inson huquqlari bo‘yicha xalqaro shartnomalar (to‘plam). –Т.: Adolat, 2004. –В.34.
4. <http://lawbooks.news/pravo-konstitutsionnoe/konstitutsionnoe-pravo-rossiyskoy.html>.



VALYUTA QIMMATLIKARINI QONUNGA XILOF TARZDA OLİSH YOKI O'TKAZISH JINOYATINING OBYEKTIV BELGILARI TAHLILI

Haydarov Jaloliddin Hamza o‘g‘li,
Toshkent davlat yuridik universiteti doktoranti
E-mail: haydarovjaloliddin99@gmail.com
Tel: +998908659070

Annotatsiya. Ushbu tezisda valyuta qimmatliklarini qonunga xiоф tarzda olish yoki o‘tkazish jinoyati obyektiv belgilari tahlil qilinadi. Ushbu jinoyatning obyekti hamda obyektiv tomonini tahlil qtish natijasida jinoyat tarkibini bilish mumkin. Shuningdek, tezis orqali ijtimoiy xavfli qilmishing umumiyligi obyektini tadqiq etish bilan birga maxsus obyektini o‘rganish imkoniyatiga ega bo‘lamiz. Jinoyatning umumiyligi va maxsus obyektlari, jinoyatning obyektiv tomoni orqali ijtimoiy munosabatlar tahlil qilinadi, jinoyat qonunchiligi muhofaza qilishi lozim bo‘lgan obyektlar belgilab beriladi.

Kalit so‘zlar: valyuta qimmatliklari, qimmatbaho toshlar, qimmatbaho metallar, qonunga xiоф olish yoki o‘tkazish, qimmatli qog‘ozlar, jinoyat obekti, jinoyatning obyektiv tomoni.

Tahlil qilinayotgan jinoyatning ijtimoiy xavfili shundaki, ushbu turdagiligi qilmish, ya’ni valyuta qimmatliklarini qonunga xiоф tarzda olish yoki o‘tkazish mamlakatning valyuta siyosati yakdiligidagi ta’sir o‘tkazadi, milliy valyutaning barqarorligiga ta’sir qilib, inflayatsiyaning jilovlanishiga to‘siq bo‘ladi. Qo‘sishmcha qilish mumkinki, “valyuta qimmatliklarini qonunga xiоф ravishda olish va o‘tkazish O‘zbekiston Respublikasining valyuta yakka hukmronligiga putur yetkazadi, ular ko‘pincha talon-toroj qilish, poraxo‘rlik, bojxona qonunchiligini buzish kabi jinoyatlar bilan bog‘liq bo‘ladi”¹.

JK 16-moddasi 2-qismiga muvofiq, jinoiy javobgarlikka tortishning yagona asosi JKda nazarda tutilgan jinoyat tarkibining barcha alomatlari mavjud bo‘lgan qilmishni sodir etishdir.

M.H. Rustambayevning fikriga ko‘ra, jinoyat tarkibi - aniq ijtimoiy xavfli qilmishni jinoyat deb baholash uchun zarur bo‘lgan obyektiv va subyekt elementlar yig‘indisi tushuniladi. Bu elementlar jinoyat qonunida mustahkamlanganligi bois, u yoki bu ijtimoiy xavfli qilmishning jinoyat deb baholanmog‘i uchun zarur hisoblanadi².

X.R. Ochilov esa jinoyat tarkibi xususida quyidagicha fikr bildirgan: jinoyat tarkibi deb - jinoyat huquqida sodir etilgan aniq bir ijtimoiy xavfli qilmishni jinoyat deb baholash uchun zarur bo‘lgan obyektiv va subyektiv belgilarning minimal yig‘indisiga aytildi³.

Yuqorida fikrlardan va jinoyat qonunchiligidan kelib chiqadigan bo‘lsak, qiyonoqqa solish hamda boshqa shafqatsiz, g‘ayriinsoniy yoki qadr-qimmatni kamsituvchi muomala hamda jazo turlarini qo‘llash bilan bog‘liq jinoyat uchun javobgarlikka tortish asosi bu – unda jinoyat tarkibining barcha elementlari mavjudligi fakti hisoblanadi. Ma’lum bir qiyonoqqa solish bilan sodir etilgan qilmishni javobgarlikka tortishimiz uchun uning tarkibida jinoyat tarkibining barcha elementlaring mavjudligi fakti hisoblanadi.

MDH mamlakatlari a’zo davlatlarning deyarli barchasida iqtisodiyot asoslariga qarshi jinoyatlar o‘rin olgan bo‘lib, bu bilan muayyan bir harakat uchun javobgarlik doirasi ushbu mamlakatlarda deyarli yaqin ekanligi ahamiyatga molikdir hamda jinoyat deb hisoblanishi uchun qilmish tarkibida to‘rtta belgining mavjudligini talab etadi⁴.

Jinoyat obyekti – jinoyat huquqi tomonidan muhofaza qilinadigan ijtimoiy munosabatlardir. Bu qarash sobiq sovet davri olimlari tomonidan ishlab chiqilgan va hozirgi kunga qadar o‘z o‘rnini yo‘qotmagan tushunchadir.

1 O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 28.04.2000 yildagi 8-soni “Valyuta qimmatliklarini wonunga xiоф tarzda olish yoki o‘tkazishda doir ishlar yuzasidan sud amaliyoti to‘g‘risida”gi qarori.

2 Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят хукуки курси. Том 1. Жиноят хақида таълимот. Дарслар. 2-нашр, тўлдирилган ва кайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 441 бет.

3 Jinoyat huquqi. (Umumiyligi qism) Darslik. Mas’ul muharrir: yu.f.f.d (PhD) X.Ochilov – T.: Adolat nashriyoti, 2020. 264 b

4 Хайдаров Ш. Ненадлежащее исполнение профессиональных обязанностей: Причины совершения и допустимые условия преступления //Review of law sciences. – 2020. – Т. 2. – №. Спецвыпуск.



N.E. Krilovaning ta’kidlashicha, jinoyat huquqi mavjud barcha ijtimoiy munosabatlarni himoyalamaydi va bu orqali insonning boshqa huquq va erkinliklarini cheklamaydi¹.

Jinoyat obyekti jinoyat qonunchiligi himoya qilishni maqsad qilgan ijtimoiy munosabatlar bo‘lib, ushbu ijtimoiy munosabatlarni himoyalaydi va tazyiq o‘tkazganlarga javobgarlik belgilaydi.

Jinoyatning umumiy obyekti – jinoyat qonuni bilan jinoiy tajovuzlardan qo‘riqlanadigan barcha ijtimoiy munosabatlar yig‘indisi.

Yuqoridagilarga asosan, jinoyatning umumiy obyekti jamiyat va davlat manfaatlari hisoblanda, valyuta qimmatliklarini qonunga xilof tazrda olish yoki o‘tkazish jinoyatining bevosita asosiy obyekti davlatning iqtisodiyot asoslarini ta’minalashga qaratilgan ijtimoiy munosabatlar hisoblanadi.

Jinoyat tarkibining obyektiv tomoni – tajovuzning ijtimoiy xavflilik darajasini ifodalaydigan, jinoyat qonuni bilan qo‘riqlanadigan obyektga qarshi qaratilgan ijtimoiy xavfli tajovuzning tashqi holatini harakterlovchi obyektiv, ijtimoiy va yuridik ahamiyatga ega bo‘lgan belgililar yig‘indisidir².

Obyektiv tomon - O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi Maxsus qismi moddalari dispozitsiyasiga asoslangan jinoyat tarkibining muhim elementlaridan biri hisoblanadi.

Professor F.Yu. Samandarov jinoyatning obyektiv tomonini jinoyatning tashqi belgisi deb hisoblaydi. Obyektiv tomon jinoiy harakat va o‘rtadagi sababiy bog‘lanish, vaqt, joy kabi elementlarni o‘zida jamlaydi³.

JK maxsus qismi moddalarining dispozitsisida jinoyatning obyektiv tomoni ifodalangan bo‘ladi. Bu orqali esa jinoyat qaynday usulda, qay vaqtda sodir etilishi kabi belgilarni aniqlab olish bilan birga, ijtimoiy xavfli qilmishni kvalifikatsiya qilish imkoniga ham ega bo‘lamiz. Jumladan, tadqiq etayotganimiz Jinoyat kodeksi 177-moddasi dispozitsiyasini o‘rganish orqali jinoyatning obyektiv tomonini sharhshimiz mumkin bo‘ladi.

Demak, Jinoyat kodeksi 177-moddasi obyektiv tomonidan Fuqarolarning qonunga xilof ravishda valyuta qimmatliklarini olishi yoki o‘tkazishi shunday harakatlar uchun ma’muriy jazo qo‘llanilganidan keyin sodir etiladi. Ushbu holatda jinoyat uchun ma’muriy javobgarlikka tortilgan shaxsning bir yil ichida ushbu xatti-harakatning qaytadan sodir qilinishi tushiniladi.

Yuqoridagilarga asosan, jinoyatning bevosita asosiy obyekti davlatning iqtisodiyot asoslari bilan bog‘liq ijtimoiy munosabatlar bo‘lsa, jinoyat obyektiv tomonidan fuqarolarning qonunga xilof ravishda valyuta qimmatliklarini olishi yoki o‘tkazishi shunday harakatlar uchun ma’muriy jazo qo‘llanilganidan keyin sodir etiladi.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Траинин А.Н. Общий учение о составе преступления [General doctrine of the corpus delicti]. Москва: Юридическая литература. 2015.- 364 с.
2. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуки курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 441 бет.
3. Jinoyat huquqi. (Umumiy qism) Darslik. Mas’ul muharrir: yu.f.f.d (PhD) X.Ochilov – T.: Adolat nashriyoti, 2020. 264 b
4. Крылова.Н.Е..Весн. М. Право. Москва:Дис., 2013. –С 137
5. Хайдаров Ш. Ненадлежащее исполнение профессиональных обязанностей: Причины совершения и допустимые условия преступления //Review of law sciences. – 2020. – Т. 2. – №. Спецвыпуск.

1 Крылова.Н.Е..Весн. М. Право. Москва:Дис., 2013. –С 137

2 Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуки курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 441 бет.

3 Самандаров Ф.Ю. Уголовное право: общая часть. Учебник. Баку: Дигеста, 2013, 720 с.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 1-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.01.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000